

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/28.08.2020.Qx.13.03 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

ШОКИРОВ АЛИШЕР ЖЎРАБОЕВИЧ

**ТАКРОРИЙ ЭКИНДА ОҚБОШ КАРАМ (BRASSICA CAPITATA LIZG.)
ЕТИШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИНГ ИЛМИЙ ВА АМАЛИЙ
АСОСЛАРИ**

06.01.06 – Сабзавотчилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской диссертации (DSc)
Contents of the abstract of doctoral dissertation (DSc)

Шокиров Алишер Жўрабоевич

Такрорий экинда окбош карам (*Brassica capitata* Lизg.) етиштириш
технологиясининг илмий ва амалий асослари..... 3

Шокиров Алишер Джурабоевич

Научные и практические основы технологии выращивания капусты
белокочанной (*Brassica capitata* Lизg.) в повторной культуре..... 25

Shokirov Alisher

Scientific and practical bases of technology for growing white cabbage
(*Brassica capitata* Lизg.) in repeated culture..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 51

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/28.08.2020.Qx.13.03 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

ШОКИРОВ АЛИШЕР ЖЎРАБОЕВИЧ

**ТАКРОРИЙ ЭКИНДА ОҚБОШ КАРАМ (BRASSICA CAPITATA LIZG.)
ЕТИШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИНГ ИЛМИЙ ВА АМАЛИЙ
АСОСЛАРИ»**

06.01.06 – Сабзавотчилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

Кишлоқ хўжалиги фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.3.DSc/Qx159 рақами билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат аграр университетиде бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tdau.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Азимов Ботир Джураевич
кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Остонакулов Тоштемир Эшимович
кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Арамов Музаффар Хошимович
кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Санаев Собир Тоирович
кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, доцент

Етабчи ташкилот:


Ўсимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги DSc.05/28.08.2020.Qx.13.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «30» ноябр оят 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: tuag-info@tdau.uz; Тошкент давлат аграр университети Маъмурий биноси, 1-кават, анжуманлар зали).


Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (542112-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тошкент давлат аграр университети, Ахборот ресурс маркази биноси. Тел.: (+99871) 260-50-43).

Диссертация автореферати 2020 йил «30» ноябр кун таркатида.
(2020 йил «6» ноябр даги 211-рақамли реестр баённомаси).



 Х.Ч.Буриев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, б.ф.д., профессор.

 З.А.Абдикайумов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, к/х.ф.д., доцент.

 И.Т.Нормуратов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, к/х.ф.д.,
профессор

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунё бўйича энг оммабоп сабзаёт экинларидан бўлган карам 2,82 млн. гектардан ортиқ майдонда етиштирилмоқда. Ўртача ҳосилдорлиги гектаридан 29,4 тонна ва ялпи ҳосил 82,8 млн. тоннани ташкил этмоқда¹. Дунёда мўътадил иқлим шароитига эга, узун илиқ кунли Жанубий Европа, Марказий ва Жанубий Осиё, Шимолий ва Жанубий Америка, Австралия минтақаларида ушбу экин такрорий экинда асосан уруғидан етиштирилади. Оқбош карамга бўлган талабни қондириш мақсадида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари учун ушбу экинни такрорий экин сифатида етиштириш технологиясини такомиллаштириш, бунда энг мақбул экиш муддати, ўсимликларнинг озикланиш майдонини, ўғитлаш ва суғориш меъёрларини аниқлаш, шунингдек товарбоп ва серҳосил нав ва дурагайлари танилаш борасидаги тадқиқотлар долзарб ҳисобланади.

Жаҳонда карам сабзаёт экинлари орасида етиштириш ҳажмига кўра бугунги кунда етакчи ўринни эгаллаб келмоқда. Дунёнинг мўътадил табиий-иқлим шароитига эга давлатларида озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва мавжуд суғориладиган майдонлардан самарали фойдаланиш учун такрорий экин сифатида оқбош карам етиштиришда самарали агротехнологияларни қўллаш орқали ушбу экин ҳосилдорлиги ва ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини оширишда долзарбдир. Бу борада илмий асосланган технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш орқали маҳсулот ҳосилдорлигини ошириш, суғориладиган майдонлардан самарали фойдаланиш ҳамда такрорий экинлардан олинадиган иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини юқори бўлиши таъминланади.

Республикамызда сўнгги йилларда аҳолининг озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш, сабзаёт маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўла қондириш, пахта, ғалла ва сабзаёт экинларидан бўшаган майдонларда маҳсулот етиштириш, қишлоқ хўжалигини диверсификация қилиш, ер-сув ресурсларидан янада оқилона фойдаланиш, экспортбоп маҳсулотлар етиштириш орқали деҳқон ва фермер хўжалиқларининг даромадини ошириш борасида кенг қўламли чоратадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг 2017–2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «пахта ва бошоқли дон экиладиган майдонларни қисқартириш, бўшаган ерларга картошка, сабзаёт, озуқа ва ёғ олинадиган экинларни экиш, шунингдек, янги интенсив боғ ва узумзорларни жойлаштириш ҳисобига экин майдонларини янада оптималлаштириш» муҳим стратегик вазифалардан бири қилиб белгилаб қўйилган². Шу боис сабзаёт экинларининг сифати ва ҳосилдорлигини тубдан оширишга қаратилган инновацион агротехнологияларни қишлоқ хўжалигига кенг жорий қилиш тақозо этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 сентябрдаги

¹ <http://statinformation.ru/sel/cabbages.html>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони.

«2018 йилда қишлоқ хўжалиги экинларини оқилона жойлаштириш чора-тадбирлари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришнинг прогноз ҳажмлари тўғрисида»ги ПҚ-3281-сонли қарори, 2018 йил 29 мартдаги «Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчиликни жадал ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5388-сонли Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 29 мартдаги «2019 йил ҳосили учун қишлоқ хўжалиги экинларини оқилона жойлаштириш ва маҳсулот етиштиришнинг прогноз ҳажмлари тўғрисида»ги 259-сонли қарори ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларнинг бажарилишида ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши-нинг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи. Карамнинг юқори ҳосилдор, турли муддатларда ва айниқса такрорий экинда етиштиришга мос навларини яратиш ва танлаш, карам ҳосилдорлигини оширишга қаратилган агротехник тадбирларни такомиллаштириш ва механизациялаштириш масалалари бўйича изланишлар дунёдаги нуфузли илмий-тадқиқот марказлари ва муассасаларида, жумладан, Европа Иттифоқининг 40 дан ортиқ сабзавотчилик илмий-тадқиқот муассасаларини ўзида бирлаштирган European vegetable research Institutes Network (EuVRIN) Beijing vegetable research center (BVRC, China), Research Institute of Vegetable Crops (Польша), Бутунроссия сабзавотчилик илмий-тадқиқот институти, Сабзавот экинлари селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институти ва Сабзавотчилик федерал илмий маркази (Россия), Қозоғистон картошкачилик ва сабзавотчилик илмий тадқиқот институти (КазНИИКО)³, Сабзавот-полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Юқори ҳосилдор, сақланувчан ва такрорий экинда етиштиришга мос навларини яратиш ва танлаш, карамдан юқори ва сифатли ҳосил етиштиришга қаратилган агротехника элементларини ишлаб чиқиш бўйича дунёда олиб борилган илмий-тадқиқотлар асосида куйидаги илмий натижаларга эришилган: карамнинг эртаги, ўртаги ва кечки муддатларда экишга мўлжалланган юзлаб навлари яратилган (European vegetable research Institutes Network); карамни кўчатидан плёнка остида етиштириш, сўнгра кўчати ва уруғини бевосита экиш орқали бир мавсумда 4 мартагача ҳосил олиш технологияси ишлаб чиқилган (Beijing vegetable research center, Хитой); такрорий экинда карам етиштиришга мос навлар танланган (Қозоғистон картошкачилик ва сабзавотчилик илмий тадқиқот институти); карамнинг турли муддатларда етиштириш мумкин бўлган истиқболли Шаркия 2, Термез 2500, «Саратони» ва бошқа кўплаб навлари яратилган (Сабзавот-полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот

³ <https://euvrin.eu/AboutEuvrin>, <http://www.bvrc.com.cn/>, <http://www.vniissok.ru/>, <http://www.gavrish.ru/>, www.crew.kz

институту, Ўзбекистон).

Бугунги кунда оқбош карам етиштириш бўйича етакчилик қилаётган хорижий мамлакатларда карам ишлаб чиқариш ҳажмини янада ошириш ва унинг сифатини яхшилаш мақсадида қуйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: карамнинг турли муддатларда етиштириш мумкин бўлган ультра эртаги, эртаги, ўртаги ва кечки навларини яратиш, ҳар бир нав учун агротехника тизимини такомиллаштириш, карамдан ердан оқилона фойдаланиш имконини берувчи такрорий ва оралик экин сифатида фойдаланиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Турли минтақаларда, турли тупроқ иқлим шароитларида оқбош карам етиштириш технологияларини такомиллаштириш масалалари бўйича хорижий мамлакатларда С.В.Королева, С.В.Ситкинов, В.В.Скорина, В.Ф.Пивоваров, Л.К.Гуркина, Т.В.Лизгунова, В.А.Денисов, Р.Д.Алмаскер, И.Д.Ражабли, Н.Б.Петров, О.Н.Вишневская, А.Ф.Бухаров, Л.И.Уралец, М.Н.Шаптуренко, В.Н.Лукьянец, Г.А.Костенко, А.Д.Джахангиров, В.П.Кузьмищев, Г.Ф.Монахос; республикамизда В.И.Зуев, О.Қодирхўжаев, Б.Ж.Азимов, Т.Э.Остонакулов, А.М.Аббасов, М.Х.Арамов ва бошқа кўплаб олимлар томонидан илмий тадқиқотлар олиб борилган.

Муаллифлар томонидан оқбош карам етиштириш учун нав танлаш, мақбул экиш схемалари, экиш муддатлари ва ўсимликларни жойлашиш қалинлигининг, кўчатидан етиштириш, уруғидан етиштириш ва асосий майдонда ўсимликларни парваришlash технологияларининг илмий тамойиллари яратилган. Хусусан, кечки муддатда етиштириш учун муайян минтақалар тупроқ-иқлимга мос навлар танлаш, ўсимликларни қулай схемаларда ва муддатларда экиш, навларга хос агротехникаларни қўллаш, суғориш, озиклантириш ва бошқалар бўйича тавсиялар берилган.

Ҳозирги кунда такрорий экинда сабзавотчиликни янада ривожлантириш, хусусан оқбош карамнинг ҳосилдорлиги ва сифатини янада ошириш, навларнинг биологик ҳосилдорлигини максимал намоён этадиган нав–экиш муддати–экиш схемаси тизимини танлаш, ўғитлаш ва суғоришнинг энг мақбул меъёрларини татбиқ этиш бўйича илмий ишлар олиб борилмоқда. Шу муносабат билан карамнинг такрорий экинда етиштириш мумкин бўлган мақбул навларини, уларнинг мақбул экиш схемаси, муддатини аниқлаш, минерал ўғитлар ва суғоришнинг ҳар бир нав учун энг мақбул меъёрларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда, уни ҳал этиш эса республика бўйича йирик масштабда ғалладан бўшовчи майдонларда такрорий экинда оқбош карамдан юқори ва сифатли ҳосил олиш имконини берувчи қатор муаммоли масалалар ечилишига имкон беради.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат аграр университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг А-11-250 «Дехқончилик ва чорвачиликнинг экологик оптимал боғланишлигида тупроқ унумдорлигини ошириш, шўрланиш ва чўлланишнинг олдини олиш, қишлоқ хўжалик ва чорвачилик маҳсулотларини етиштиришни жадаллаштиришда фермер хўжаликларининг самарали технологиялари ва моделларини ишлаб чиқиш»

(2006-2008 йй.) амалий мега лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади оқбош карамнинг кечки навларини ғалладан бўшаган ерларда такрорий экин сифатида етиштириш технологиясининг самарали элементларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

кечки муддатда такрорий экинда етиштириш учун оқбош карам нав намуналарини танлаш;

кечки муддатда такрорий экинда оқбош карам етиштириш учун қулай экиш схемалари ва экиш муддатларини аниқлаш;

оқбош карамни кечки муддатда етиштиришда озиклантириш ва суғориш тартиботларининг мақбул меъёрларини белгилаш;

ўсимликдаги фенологик, биометрик, морфологик ҳамда хўжалик кўрсаткичларининг навга, экиш схемасига, экиш муддатига, озиклантириш ва суғориш меъёрига ўзаро боғлиқлик вариацияси ($V, \%$) ва корреляция коэффицентини (r) аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида оқбош карамнинг районлаштирилган Ташкентская-10, Шарқия-2, «Саратони», Термез-2500, «Судья Узбекский», «Каменная голова» ва интродукция қилинган «Сутра», «Судак», Kubok F₁, Geant F₁, Kozak F₁, Ranoki F₁, Brady F₁ ва W61–19 F₁ каби нав ва дурагайлари; экиш схемалари, экиш муддатлари, ҳамда ўғитлаш ва суғориш меъёрлари хизмат қилган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида такрорий экинда оқбош карам етиштириладиган бошоқли дон экинларидан бўшаган майдонлар, оқбош карам нав намуналарининг морфо-биологик хусусиятлари ва маҳсулдорлик элементлари хизмат қилган.

Тадқиқотнинг усуллари: Тадқиқотлар Б.Ж.Азимов, Б.Б.Азимовларнинг «Сабзавотчилик, полизчилик ва картошқачиликда тажрибалар ўтказиш методикаси» (2002), В.Ф.Беликнинг «Методика опытного дела в овощеводстве и бахчеводстве» (1992), «Методические указания по экологическому испытанию овощных культур» (1987) номли қўлланмаларида келтирилган услублар асосида олиб борилди. Тадқиқот натижаларининг статистик таҳлили Б.А.Доспеховнинг «Методика полевого опыта» (1985) дисперсион услуби ёрдамида «Excel 2010» ва «Statistica 7.0 for Windows» компьютер дастурларида, 0,95% ишончилилик оралиғи билан амалга оширилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор ўтлоқи-бўз тупроқ шароитида кузги ғалла экинларидан бўшаган майдонларда кечки муддатда такрорий экинда етиштиришда самарали бўлган оқбош карамнинг истиқболли навлари танланган;

кечки муддатда такрорий экин сифатида етиштиришда оқбош карамдан энг юқори ва сифатли ҳосил олишни таъминловчи мақбул экиш схемалари ва экиш муддатлари аниқланган;

кечки муддатда такрорий экинда етиштиришда оқбош карам ҳосилдорлигини максимал оширишга имкон берувчи озиклантириш ва суғориш меъёрлари ишлаб чиқилган;

танланган истиқболли навлар ўсимликларидаги фенологик, биометрик,

морфологик ҳамда хўжалик кўрсаткичларининг навга, экиш схемасига, экиш муддатига, озиклантириш ва суғориш меъёрига ўзаро боғлиқлик вариацияси ($V, \%$) ва корреляция коэффициенти (r) аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Тошкент вилояти ўтлоқ-бўз тупроқ шароитларида ғалладан бўшаган майдонларда такрорий экинда оқбош карам етиштириш учун Kozak F₁, Geant F₁, ва W61–19 F₁ дурагайлари истиқболли деб топилган. Ушбу дурагайлارнинг ҳосилдорлиги стандарт Шарқия-2, «Саратони» навларига нисбатан 30-37% га, рентабеллик даражаси 20,0-25,0 фоизга юқори бўлган;

оқбош карамни Шарқия-2, «Саратони» навларини такрорий экинда 70×50 см, 90×30 см экиш схемалари ва 15.06; 30.06. муддатларида етиштирилганда, гектарига N₂₀₀P₁₅₀K₁₀₀ – N₂₅₀P₁₅₀K₁₀₀ кг меъёридан озиклантирилганда ҳамда чегараланган дала нам сифимига (ЧДНС) нисбатан 80-80% суғориш тартиботи қўлланилганда 10-30% гача қўшимча ҳосил олишга эришилган.

Шарқия-2 нави ва Geant F₁ дурагайини 15/VI да 70×50 ва 90×30 см схемаларда экилганда назорат вариантга (30/VI) нисбатан 10-19% юқори ҳосил олинган. Ҳосилдорлик ошган сари маҳсулот таннархи 18,0-13,2% гача пасайган. Рентабеллик даражаси 41-58% бўлган;

«Саратони» нави ва W61-19 F₁ дурагайида суғоришдан олдин тупроқ намлиги (ЧДНС) 80-80% дан пасайтирилмаганда, минерал ўғитлар N₂₅₀P₁₅₀K₁₀₀ кг/га меъёрида берилганда, назорат 70-70% суғориш тартиботи, N₁₅₀P₁₅₀K₁₀₀ кг/га озиклантириш меъёрига нисбатан ҳосилдорлик 23-26% га юқори бўлган. Бунда маҳсулот таннархи 181 минг сўмдан 155 минг сўмгача ёки 16,8% гача пасайган. Рентабеллик даражаси 51-61% ни ташкил қилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги лаборатория ва дала тажрибаларининг ҳар йили апробация кўригидан ўтказилганлиги; илмий-тадқиқот ҳисоботларининг муҳокама этилганлиги; тажриба маълумотларининг вариация ($V, \%$) ва корреляция (r) коэффициенти бўйича статистик таҳлил қилинганлиги ва олинган натижаларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги; тадқиқот натижалари республика ва халқаро илмий-амалий конференциялар, инновацион кўргазмаларда муҳокама қилинганлиги, олинган натижалар асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси рўйхатига кирган илмий нашрларда мақолалар чоп этилганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Тошкент вилоятининг қадимдан суғориладиган ўтлоқи ва ўтлоқи-бўз тупроқлари шароитида кечки муддатда такрорий экинда етиштирилган оқбош карамнинг ўсиши, ривожланиши морфобиологик хусусиятлари ўрганилганлиги; қўлланилган нав, экиш схемаси, экиш муддати, ўғитлаш ва суғориш меъёрларига боғлиқ равишда ривожланиш ҳамда ҳосилдорлик элементларининг вариация ($V, \%$) ва корреляция (r) коэффициентларининг аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти такрорий муддатда етиштириш учун оқбош карамнинг истиқболли нав ва дурагайлари танланганлиги, самарали экиш схемалари, экиш муддатлари, ҳамда мақбул озиклантириш ва суғориш меъёрлари аниқланганлиги билан ифодаланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тошкент вилояти шароитида оқбош карамнинг кечки навларини ғалладан бўшаган ерларда такрорий экин сифатида етиштириш технологиясининг самарали элементларини ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида:

деҳон ва фермер хўжаликлари учун «Ёзги муддатда оқбош карам етиштириш бўйича илмий асосланган тавсиялар», «Ғалладан бўшаган майдонларда оқбош карам етиштиришда суғориш ва ўғитлаш тартиботлари бўйича илмий асосланган тавсиялар», «Такрорий муддатда оқбош карам етиштиришда нав намуналари, экиш муддатлари ва экиш схемалари бўйича илмий асосланган тавсиялар» ва «Кечки муддатда такрорий экин ҳолида оқбош карамни етиштиришда ўғитлаш меъёрлари ва суғориш тартиботи бўйича тавсиялар» номли тавсияномалар ишлаб чиқилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 13 августдаги 07/029-2469-сонли маълумотномаси). Натижада ушбу тавсияномалар деҳқон, фермер хўжаликлари экин майдонларида такрорий экинда оқбош карамдан юқори ва сифатли ҳосил етиштиришда қўлланма сифатида хизмат қилган;

турли меъёрдаги минерал ўғитлар ва суғориш тартибининг оқбош карам навлари ҳосилдорлигига таъсирини илмий асослаш ишланмаси Тошкент вилояти Бўка туманидаги «Саркор», «Самандар Агро Замин» ва «Олимжон Ферузбек даласи» фермер хўжаликларида 9 гектар, Бекобод туманидаги «Азаматжон Махлиё», «Ойбек Миришкор агро» ва «Кўркам МЧЖ» фермер хўжаликларида 6 гектар ва Оққўрғон туманидаги «Ахмедовлар», «Шодлик Агрофирма» ва «Йўлчи ўғли Ақром» фермер хўжаликларида 6 гектар, жами 21,0 гектар майдонда жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 13 августдаги 07/029-2469-сонли маълумотномаси). Бунинг натижасида ҳосилдорликни 115-161% гача оширишга эришилган, иқтисодий самарадорлик гектаридан ўртача 17-19 млн. сўмни ташкил этган;

ёзги муддатда оқбош карам навларининг мақбул экиш муддатлари ва схемаси ёки кўчат қалинлигини илмий асослаш ишланмаси Тошкент вилояти Бўка туманидаги «Саркор», «Самандар Агро Замин» ва «Олимжон Ферузбек даласи» фермер хўжаликларида 9 гектар, Бекобод туманидаги «Азаматжон Махлиё», «Ойбек Миришкор агро» ва «Кўркам МЧЖ» фермер хўжаликларида 6 гектар ва Оққўрғон туманидаги «Ахмедовлар», «Шодлик Агрофирма» ва «Йўлчи ўғли Ақром» фермер хўжаликларида 6 гектар, жами 21,0 гектар майдонда жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 13 августдаги 07/029-2469-сонли маълумотномаси). Бунинг натижасида ҳосилдорликни 112-128% гача оширишга эришилган, иқтисодий самарадорлик гектаридан ўртача 7-10 млн. сўмни ташкил этган;

оқбош карам навлари, экиш муддатлари ва экиш схемаларининг ўсимликнинг ўсиши ва маҳсулдорлигига таъсирини илмий асослаш ишланмаси Тошкент вилояти Бўка туманидаги «Саркор», «Самандар Агро Замин» ва «Олимжон Ферузбек даласи» фермер хўжаликларида 9 гектар, Бекобод туманидаги «Азаматжон Махлиё», «Ойбек Миришкор агро» ва «Кўркам МЧЖ» фермер хўжаликларида 6 гектар ва Оққўрғон туманидаги «Ахмедовлар», «Шодлик Агрофирма» ва «Йўлчи ўғли Ақром» фермер хўжаликларида 6 гектар,

жами 21,0 гектар майдонда жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 13 августдаги 07/029-2469-сонли маълумотномаси). Бунинг натижасида ҳосилдорликни 110-112% гача оширишга эришилган, иқтисодий самарадорлик гектаридан ўртача 4-7 млн. сўмни ташкил этган;

навлар, суғориш тартиботи ва ўғитлаш меъёрининг оқбош карамнинг ўсиши ва ривожланишига таъсирини илмий асослаш ишланмаси Тошкент вилояти Бўка туманидаги «Саркор», «Самандар Агро Замин» ва «Олимжон Ферузбек даласи» фермер хўжаликларида 9 гектар, Бекобод туманидаги «Азаматжон Махлиё», «Ойбек Миришкор агро» ва «Кўркам МЧЖ» фермер хўжаликларида 6 гектар ва Оққўрғон туманидаги «Ахмедовлар», «Шодлик Агрофирма» ва «Йўлчи ўғли Ақром» фермер хўжаликларида 6 гектар, жами 21,0 гектар майдонда жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 13 августдаги 07/029-2469-сонли маълумотномаси). Бунинг натижасида ҳосилдорликни 112-113% гача оширишга эришилган, иқтисодий самарадорлик гектаридан ўртача 11-14 млн. сўмни ташкил этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 14 та илмий-амалий анжуман, шу жумладан 9 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 37 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган нашрларида 17 та мақола, жумладан, 15 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган, шунингдек, 4 та тавсиянома ва 2 та монография чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертациянинг таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 199 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи келтирилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ёритилган, тадқиқотнинг объекти ва предмети келтирилган, илмий янгилиги, амалий натижалари ва уларнинг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти, уларни жорий этиш, апробация ва иш натижаларининг чоп этилганлиги тўғрисида маълумотлар, диссертациянинг ҳажми ва таркиби баён этилган.

Диссертациянинг «**Оқбош карамнинг (*Brassica capitata* Lizg.) нав намуналари, мақбул экиш схемалари, муддатлари ҳамда озиклантириш, суғориш меъёрларини аниқлашнинг назарий ва амалий асослари (илмий манбалар шарҳи)**» деб номланган биринчи бобида диссертация мавзуси

бўйича хориж ва республика олимларининг ушбу мавзуда олиб борган илмий тадқиқотлари ва адабий манбалари шарҳланган. Бинобарин, оқбош карам нав намуналарини танлаш, экиш схемалари ва ўсимликларнинг жойлашиш қалинлиги, экиш муддатлари, озиклантириш меъёрлари ва суғориш тартиботлари, касалликлари ва зараркунандаларига қарши курашиш чоралари юзасидан адабиётлар маълумотлари тавсифланган.


Диссертациянинг «**Тадқиқотни ўтказиш шароити, объекти ва услублари**» деб номланган иккинчи бобида ишлаб чиқилган мавзу бўйича дала тажрибалари олиб борилган жойнинг тупроқ-иқлим шароити тавсифланган. Ушбу бобнинг «Тадқиқотни ўтказиш услуби» бўлимида ишлаб чиқилган мавзу юзасидан ҳар бир алоҳида тажрибанинг ўтказилиш услуби, дала тажрибаларини олиб бориш схемаси, тажриба ўсимликларининг ўсиши ва ривожланишини ўрганишда қўлланилган фенологик кузатувлар ва биометрик ҳисоблар, лаборатория таҳлиллари, шунингдек тажриба маълумотларига математик статистик ишлов бериш тартиби баён этилган.

Диссертациянинг «**Оқбош карамни такрорий экинда етиштириш технологиялари**» деб номланган учинчи бобида кузги ғалла ёки эрта баҳорги асосий экинлардан бўшаган майдонларда кечки оқбош карамни такрорий экинда етиштириш технологиясининг муҳим элементларини ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари келтирилган. Ушбу бобнинг «Кечки муддатда такрорий экинда етиштириш учун оқбош карам нав намуналарини танлаш» деб номланган бўлимида такрорий экинда етиштириш учун энг юқори ҳосилдор навларни ажратиш учун оқбош карам навлари коллекциясини ўрганиш натижалари келтирилган. Кузатувлар шуни кўрсатдики, тадқиқ қилинган коллекцион ўсимликлардан Голландия навлари 40–45 кунлик кўчат экилганда 30–31 кундан сўнг карамбош ўрай бошлади. Маҳаллий навларда у 32–34 кун ва Франция дурагайлари 31–43 кунни ташкил қилди. Ўсув даври Голландия навларида 165 кун; Ўзбекистон навларида 147–154 кун ва Франция дурагайларида 147–154 кун бўлди.

Коллекцион навлар ўсимликларида эркин барглар сонини ўрганиш шуни кўрсатдики, Стандарт «Саратони» навида бир ўсимликда 21,3 дона эркин барг бўлган, унга нисбатан «Сутра» навида – 29,1%; «Судак» навида – 21,7%; Ранокі F₁ – 15,0%; Brady F₁ дурагайида – 12,7% кўп бўлди.

Карамбош баландлиги Голландия навларида 18,0 см, Ўзбекистон навларида 21,9 см ва Франция дурагайларида 18,6 см ни ташкил қилди; карамбоши эни мос равишда 23,0 см; 26,3 см ва 21,0 см ни ташкил қилди. Карамбошнинг шакли ўрганилган нав ва дурагайларда ясси-юмалоқ ва юмалоқ бўлди. Стандарт «Саратони» навида карамбош вазни 3,2 кг ва унга нисбатан Франция дурагайларида 21,9–28,1 фоизга юқори; Голландия навларида 34,4–28,1% гача паст бўлди (1-жадвал).

Стандарт «Саратони» навига (95,7 т/га) нисбатан юқори ҳосилдорлик Франция дурагайларида кузатилди: Geant F₁ дурагайида 137,1%; Kozak F₁ дурагайида 130,4% ва W61–19 F₁ дурагайида 135,4%. Голландия навларининг ҳосилдорлиги ўртача 70,8 т/га; Ўзбекистон навларида – 90,2 т/га ва Франция дурагайларида – 110,6 т/га ни ташкил этди (1-расм).



1-расм. Оқбош карам нав намуналарининг ҳосилдорлиги

Оқбош карам нав намуналари карамбошларининг биометрик кўрсаткичлари (2007-2010 йй.)

Нав намуналар	Карамбош баландлиги		Карамбош эни диаметри		Карамбош индекси		Карамбош шакли
	см	%	см	%	см	%	
Сутра	17,7	74,4	23,4	83,6	0,76	98,7	ясси-юмалоқ
Судак	18,2	76,5	22,6	80,7	0,80	103,9	ясси-юмалоқ
Ташкентская 10	21,8	91,6	24,5	87,5	0,89	115,6	юмалоқ
Термез-2500	20,3	85,3	23,3	83,2	0,87	113,0	юмалоқ
Судья Узбекский	23,8	100,0	28,0	100,0	0,85	110,4	юмалоқ
Каменная голова	22,0	92,4	26,4	94,3	0,83	107,8	юмалоқ
Шарқия-2 – st	21,5	90,3	28,0	100,0	0,77	100,0	ясси-юмалоқ
«Саратони» – st	21,8	91,6	27,7	98,9	0,79	102,6	ясси-юмалоқ
Kubok F ₁	19,1	80,3	22,6	80,7	0,85	110,4	юмалоқ
Geant F ₁	18,3	76,9	20,3	72,5	0,90	116,9	юмалоқ
Kozak F ₁	18,5	77,7	21,7	77,5	0,85	110,4	юмалоқ
Ranoki F ₁	17,8	74,8	20,6	73,6	0,86	111,7	юмалоқ
Brady F ₁	17,3	72,7	18,2	65,0	0,95	123,4	юмалоқ
W61-19 F ₁	20,7	87,0	22,8	81,4	0,91	118,2	юмалоқ
\bar{X}	19,914		23,578	0,84	0,84	109,1	
€	278,8		330,1		11,76		

Ўзбекистон навларида карамбоши ҳажми юқори бўлса-да, унинг тиғизлиги ўртача бўлди. Франция дурагайларида карамбоши кичик бўлса ҳам, зич бўлганлиги сабабли вазни оғирроқ бўлди.


Такрорий экинда етиштириш учун танланган оқбош карам навларининг иқтисодий жиҳатдан мақбуллигини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, такрорий экинда Geant F₁, Kubok F₁, W61-19 F₁ дурагайларини қўллаш юқори самара берди. Бунда оқбош карам етиштиришнинг рентабеллик даражаси стандарт навда 70,9% бўлган бўлса, истиқболли Geant F₁ дурагайида 95,0%; Kozak F₁ дурагайида 90,9% ва W61-19 F₁ дурагайида 94,0% ни ташкил қилди.

«Кечки муддатда такрорий экинда оқбош карам етиштириш учун мақбул экиш схемаларини танлаш» деб номланган бўлимда такрорий экинда етиштириладиган оқбош карамнинг ҳосилдорлигини максимал оширишга имкон берадиган энг мақбул экиш схемасини аниқлаш юзасидан олиб борилган тадқиқот натижалари келтирилган. Биометрик ҳисоблар шуни кўрсатдики, оқбош карам навларида ўсимликдаги эркин барглар сони экиш схемалари бўйича Шарқия-2 навида 94,3-105,0%; «Саратони» навида эса 91,0-100,0% оралиғида бўлди. 70x30 см экиш схемасидан 90x40 см гача назорат вариантыга нисбатан ўсимликдаги эркин барг вазни иккала навда ҳам 22-24,2% гача ошиб борди.

Барг узунлиги ва барг эни ўлчамлари назоратга нисбатан Шарқия-2 навида 70x50 см схемада 106,4%; «Саратони» навида 105,3 фоизни ташкил қилди. Ташқи ўзак қалинлиги ва илдиз вазнига сезиларли таъсир этмади ва 7,4-4,9% орасида ўзгарди.

Экиш схемаларини эркин барг вазни ва илдиз вазнига таъсири кучли бўлди. 70x50 см; 90x30 ва 90x40 см схемаларда назорат вариантга нисбатан Шарқия-2 навида 119,8-142,5%; «Саратони» навида 118,2-136,4% оралиғида ўзгарди.

Озиқланиш майдонининг карамбош вазнига таъсирини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, озиқланиш майдони 0,35 м² (70x50 см) бўлганда ушбу кўрсаткич 2,39 кг ёки назоратга нисбатан 39,0 фоизга; 0,36 м² (90x40 см) бўлганда – 2,45 кг ёки 42,4 фоизга юқори бўлди. «Саратони» навида ҳам ушбу вариантларда карамбош вазни назоратга нисбатан 34,6-44,2 фоизга юқори бўлди. Шарқия-2 навида 70x50; 90x30 ва 90x40 см экиш схемаларида ҳосилдорлик назоратга нисбатан мос равишда 14,8; 30,6 ва 14,5%; «Саратони» навида 90x30 ва 90x40 см экиш схемаларида 28,3-12,5 фоизга юқори бўлди (2-расм).



2-расм. Экиш схемасига боғлиқ равишда карам навлари ҳосилдорлиги (2007-2010 йиллар)

Такрорий экинда етиштириладиган оқбош карам ҳосилдорлигини ҳисоблашлар шуни кўрсатдики, бунда А (нав) омилининг (ЭКМТ₀₅) йиллар бўйича кўрсаткичи 1,1-5,0 т/га; В (экиш схемаси) омилининг (ЭКМТ₀₅) кўрсаткичи эса 1,7-5,2 т/га оралиғида фарқланди.


Оқбош карамни такрорий экинда етиштиришда қўлланилган экиш схемасининг иқтисодий мақбуллигини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, ўсимликларни 70x30 ва 90x30 см экиш схемаларида етиштириш Шарқия-2 навида мос ҳолда 54,4 ва 77,7 тонна ҳосил олишни таъминлади. Ҳосилдорлик ошган сари 1 тонна маҳсулот таннархи 218-165,1 минг сўмгача камайди. Рентабеллик 48,5 ва 51,4% ни ташкил этди. «Саратони» навида рентабеллик даражаси 90x30 см экиш схемасида 71,9% оралиғида бўлди.

«Такрорий экинда оқбош карамни мақбул экиш муддатларини аниқлаш» деб номланган бўлимда такрорий экинда етиштириладиган оқбош карамнинг мақбул экиш муддатини аниқлаш юзасидан олиб борилган тадқиқот натижалари келтирилган. Фенологик кузатув шуни кўрсатдики, оқбош карамни такрорий экинда етиштиришда экиш муддатини 15 июндан (1-муддат)

15 августгача (2-муддат) кечиктириш ўсимликдаги барглар сонини Шарқия-2 навида 105,3-81,3 фоизгача; «Саратони» навида 105,5-82,1 фоизгача камайишига олиб келди. Бунга боғлиқ равишда Шарқия-2 навида карамбош баландлиги 21,1 см дан 17,7 см гача; карамбош эни 25,3 см дан 21,3 см гача камайганлиги қайд этилди. «Саратони» навида биринчи экиш муддатга нисбатан 5-экиш муддатида карамбоши баландлиги 12,8 фоизга; карамбоши эни 27,1 фоизга камайди. Ташқи ўзак қалинлиги, ички ўзак қалинлиги ва ҳўл илдиз вази иккала навда ҳам биринчи экиш муддатидан бешинчи экиш муддатигача 7,8; 49,3 ва 15,3 фоизга кам бўлди.

Карамбош вази 1-экиш муддатида Шарқия-2 навида 2,75 кг дан 5-муддатда 1,88 кг гача ёки 46,3 фоизга камайиб борди. «Саратони» навида ушбу кўрсаткич мос ҳолда 2,85 кг дан 2,00 кг гача камайганлиги қайд этилди.

Экиш муддатининг ҳосилдорлик кўрсаткичларига ҳам карамбоши ўлчами ва вазидаги каби тенденцияда таъсир кўрсатди. Бинобарин, ҳосилдорлик Шарқия-2 навида 1-экиш муддатидан (83,8 т/га) 5-экиш муддатигача (48,4 т/га) 73,1 фоизгача камайган бўлса, «Саратони» навида ушбу кўрсаткич мос ҳолда 56,9 фоизгача камайиб борди ва 1-экиш муддатида 86 т/га; 5-экиш муддатида 54,8 т/га ни ташкил этди (3-расм).



3-расм. Экиш муддатига боғлиқ равишда карам навлари ҳосилдорлиги (2009-2012 йиллар)

Оқбош карам ҳосилдорлигига ўзаро боғлиқ белгиларнинг таъсирини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, ЭКМФ₀₅ А (нав) омили бўйича 1,7-2,7 т/га; В (экиш муддати) омили бўйича 2,7-4,4 т/га оралиғида фарқланди.

Экиш муддати оқбош карам ҳосилининг биокимёвий кўрсаткичларига ҳам сезиларли таъсир кўрсатди. Бинобарин, аскорбин кислота миқдори (мг/%) 1-экиш муддатидан 5-муддатгача Шарқия-2 навида 13,8-11,8 мг/%; «Саратони» навида 12,4-11,6 мг/% оралиғида ўзгарди. Қуруқ модда миқдори экиш муддати ва навларга боғлиқ равишда 7,96-7,03% оралиғида бўлди.


Оқбош карамни такрорий экинда етиштиришда ҳар хил экиш муддатининг иқтисодий мақбуллигини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, ўсимликларни

15.06 санасида экиш (1-муддат) юқори самара беради. Ушбу муддатда экиб етиштирилган тажриба вариантыда 1 тонна маҳсулот таннархи Шарқия-2 навида 160,0 минг сўм бўлган бўлса, «Саратони» навида унинг қиймати 158 минг сўм оралиғида бўлди. Маҳсулот етиштиришнинг рентабеллик даражаси навлар бўйича мос ҳолда 56,5 ва 58,7% ни ташкил этди.

Диссертациянинг «Турли меъёрдаги минерал ўғитларнинг оқбош карам навлари ҳосилдорлигига таъсири» бўлимида такрорий экинда етиштириладиган оқбош карам навларининг биологик ҳосилдорлигини максимал намоён этиш имконини берувчи оптимал ўғитлаш меъерини аниқлаш юзасидан олиб борилган тадқиқот натижалари келтирилган. Фенологик кузатувлар шуни кўрсатдики, ўғит берилмаган абсолют назорат вариантыда Шарқия-2 навида кўчат тутиб олгандан 10% ўсимликларда карамбош ўрагунча 33-45 кун; 75% ўсимликларда карамбош ўрай бошлагунча 41-57 кун керак бўлди. Гектарига азот миқдори 200-250-300 кг га оширилганда ушбу жараён тезлашганлиги қайд этилди. Шарқия-2 нави карамбошлари ўғит $P_{150}K_{100}$ ва $N_{200-300}$ кг/га. меъёрларда қўлланилганда бироз эртароқ 112-114 кунда етилди. «Саратони» навида ҳам мос равишда ҳосил етилиши 109-116 кун оралиғида бўлди.

Карамбош баландлиги Шарқия-2 навида 2-назорат вариантга ($N_{150}P_{150}K_{100}$ кг/га) нисбатан $N_{300}P_{150}K_{100}$ кг/га қўлланилган вариантда 111,7%; «Саратони» навида 114,8% ни ташкил этди. Шарқия-2 навида 2-назорат вариантга (20,0 см) нисбатан 6-вариантда ($N_{300}P_{150}K_{100}$ кг/га) карамбош эни ўлчами 113,5%; «Саратони» навида 116,1% юқори бўлди.

Қўлланилган ўғит меъёри карамбош вазнига айниқса сезиларли таъсир кўрсатди. Бинобарин, Шарқия-2 навида 2-назорат вариантга нисбатан 4-5-вариантларда ($N_{200}P_{150}K_{100}$ кг/га; $N_{250}P_{150}K_{100}$ кг/га) оғирроқ 121,0-122,0%, «Саратони» навида 115,0-116,7% ни ташкил қилди. Ўртача ҳосилдорлик Шарқия-2 навида тавсия этилган назорат вариантга нисбатан гектарига 100-150 кг ортиқча азот ўғити солинган 5-6-вариантларда 20,2-21,4% га, «Саратони» навида 15,7-16,6% га юқори бўлди (4-расм).



4-расм. Ўғитлаш меъёрига боғлиқ равишда карам навлари ҳосилдорлиги (2009-2012 йиллар)

Назоратга ($N_{150}P_{150}K_{100}$ кг/га) нисбатан азот меъёри оширилган (фон + $N_{200-250-300}$ кг/га) вариантларда карамбош ўрай бошлаган фазада карамбош таркибидаги куруқ модда миқдори тегишли равишда Шарқия-2 навида 11,1; 17,5 ва 7,9% га, «Саратони» навида 1,5; 13,8; 12% га ортиқ бўлди.

Оқбош карамни такрорий экинда етиштиришда ўғит қўллаш меъёрининг иқтисодий мақбуллигини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, ўсимликларни озиклантиришни тавсия этилган назорат ($N_{150}P_{150}K_{100}$ кг/га) вариантга нисбатан фон+ N_{200} ва фон+ N_{250} кг/га меъёригача ошириш 1 тонна маҳсулот таннархининг Шарқия-2 навида 201,6 минг сўмдан 185-179,3 минг сўмгача пасайишига олиб келди. «Саратони» навида ушбу қиймат 208,7 минг сўмдан 170,8-167,5 минг сўмгача пасайди.

Маҳсулот етиштиришнинг рентабеллик даражаси Шарқия-2 навида 2-назорат вариантыга (28,8%) нисбатан азот меъёри оширилган 4-5-вариантларда (фон + $N_{200-250}$ кг/га) 35,2-39,5% га; «Саратони» навида эса 39,3% дан 46,4-49,2% гача ошди.

«Кечки муддатда экилган оқбош карамни суғориш тартиботи ва меъёрлари» деб номланган бўлимда такрорий экинда етиштириладиган оқбош карам навларининг биологик ҳосилдорлигини максимал намоён этиш имконини берувчи оптимал суғориш меъёри ва тартибини аниқлаш юзасидан олиб борилган тадқиқот натижалари келтирилган. Тажрибада суғориш меъёри гектарига 1-фазада 500; 370 ва 250 м³; 2-фазада 760-190 м³ орасида бўлди. Бунда мавсумий суғориш меъёри 60-60% назорат вариантга нисбатан 80-80% суғориш тартиботида 30,0% га, 70-90% да 44,2% га камайди. Тажрибанинг 70-80% ва 80-70% суғориш тартиботида мос равишда 25,4 ва 18,7% кам сув сарфланди. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, ЧДНСН суғоришдан олдинги тупроқ намлиги ошган сари 1-фазанинг давомийлиги 46 кундан 40 кунгача қисқарди, кунлик ўртача сув буғланиши гектаридан 43 м³ дан 31 м³ камайди.

Суғоришдан олдинги тупроқ намлиги «Саратони» навида назорат вариантга (60%) нисбатан 90-80% га кўтарилганда ўсимликдаги эркин барглари вазни (1255 г) 117,5-112,0%; илдиз вазни 21,0-15,3% гача фарқланганлиги қайд этилди. Шарқия-2 навида эркин барглари вазни суғориш меъёри оширилганда 23,9-97,9%; илдиз вазни 26,1-19,3% га юқори бўлди.

Тавсия этилган суғориш меъёрида (80-80%) «Саратони» нави карамбоши баландлиги 21,7 см; карамбош эни 26,3 см бўлди. Шарқия-2 навида ушбу кўрсаткичлар мос равишда 23,6 ва 28,0 см бўлганлиги қайд этилди. ЧДНСН суғоришдан олдинги тупроқ намлиги 60-60% назорат вариантда карамбош вазни «Саратони» навида 2,1 кг ва унга нисбатан тупроқ намлиги 80-80% бўлганда (3,4 кг) 61,9% га кўп бўлди. Шарқия-2 навида назоратга нисбатан тупроқ намлиги 80-80% бўлган вариантда карамбош вазни 50,0% га ортди.

Суғориш меъёрининг таъсири оқбош карам ҳосилдорлигида айниқса юқори намоён бўлди. Бинобарин, «Саратони» навида ўртача ҳосилдорлик 60-60% назорат вариантыда гектаридан 71,3 тонна бўлган бўлса, суғоришдан олдинги тупроқ намлиги 90% гача оширилганда ушбу кўрсаткич 19,1-61,6% га, Шарқия-2 навида 13,7-47,3% ортганлиги қайд этилди (2-жадвал).

**Суғориш тартиботини оқбош карамнинг карамбош вази ва
ҳосилдорлигига таъсири (2009-2011 йиллар)**

ЧДНС, %	Ўртача карамбош вази		Ҳосилдорлик, т/га			Ўртача т/га	Назоратга нисбатан, %
	кг	назоратга нисбатан, %	2009	2010	2011		
«Саратони» нави							
60-60 наз.	2,1	100,0	75,0	71,4	67,6	71,3	100,0
70-70	2,5	119,0	89,3	85,0	80,5	84,9	119,1
70-80	2,8	133,3	100,5	95,2	90,2	95,1	133,4
70-90	3,1	147,6	110,7	105,4	99,8	105,3	147,7
80-80	3,4	161,9	120,5	115,6	109,5	115,2	161,6
80-70	2,7	128,6	96,4	91,8	86,9	91,7	128,6
\bar{x}	2,8	110,7	98,7	94,1	89,1	93,9	131,7
Шарқия-2 нави							
60-60 наз.	2,2	100,0	78,5	74,8	70,8	74,7	100,0
70-70	2,5	113,6	89,3	85,0	80,5	84,9	113,7
70-80	2,9	131,8	103,5	98,6	93,4	98,5	131,9
70-90	3,1	140,9	110,7	105,4	93,0	103,0	137,9
80-80	3,3	150,0	118,7	112,2	99,0	110,0	147,3
80-70	3,0	136,4	107,1	102,2	90,0	99,8	133,6
\bar{x}	2,8	113,3	101,3	96,4	87,8	95,1	127,3
<i>ЭКМТ₀₅ нав А омил</i>			2,2	1,8	1,4		
<i>ЭКМТ₀₅ суғориш В омил</i>			3,8	3,0	2,4		
<i>Тажриба вариантлари ўртасидаги ўзгарувчанлик, S\bar{x}</i>			1,9	1,6	1,4		

Оқбош карам ҳосилдорлигига суғориш тартибининг таъсирини ўрганиш бўйича тажрибаларда ўрганган омилларнинг таъсирини алоҳида кузатиш шуни кўрсатдики, ЭКМТ₀₅ А (нав) омили бўйича 1,4-2,2 т/га ва В (суғориш тартиботи) омили бўйича 2,4-3,8 т/га орасида фарқланди.

Оқбош карамни такрорий экинда етиштиришда суғориш тартиби ва меъёрининг иқтисодий мақбуллигини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, ўсимликларни ЧДНСН 80-80% суғориш тартиботида энг юқори иқтисодий самарадорлик таъминланади. Бунда рентабеллик даражаси «Саратони» навида 82,6%, Шарқия-2 навида 78,8% ни ташкил этди. Бу эса назорат (60-60%) вариантдан 29,5-37,1% га юқори демакдир.

Диссертациянинг «Навлар, экиш муддатлари ва экиш схемаларини оқбош карамнинг маҳсулдорлигига таъсири» деб номланган тўртинчи бобида такрорий экинда етиштирилдиган оқбош карам навларининг ҳосилдорлик ва сифат кўрсаткичларига навлар, экиш муддатлари ва экиш схемаларининг таъсирини тадқиқ қилиш юзасидан олиб борилган тадқиқот натижалари келтириб ўтилган. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, тажрибада

қатнашган оқбош карам нав ва дурагайининг айрим морфологик кўрсаткичларига (барг банди узунлиги) экиш муддати ва экиш схемаларининг таъсири бўлмади. Шарқия-2 навида 30 июн назорат вариантыга нисбатан кўчат 15 июнда экилганда барг узунлиги 70×50 см схемада 25,8% га, 90×30 см схемада 36,9% га кўп бўлган. 30 июн назорат вариантыга нисбатан кўчат 15 июнда 70×50 см ва 90×30 см схемада экилганда барг эни Шарқия-2 навида 32,2-38,5% га катта; Geant F₁ дурагайида 70×50 см схемада 20,8% га катта ва 90×30 см схемада 11,2% га кичик бўлди. 30/VI назорат вариантыга нисбатан кўчат 15 июнда экилганда Шарқия-2 навида 70×50 см схемада барглар сони 13,3% га; Geant F₁ дурагайида 90×30 см схемада 27,8% га кўп бўлди. Шарқия-2 навида 15 июн экиш муддатида барглар вазни назоратга нисбатан 70×50 см да 12,1% га ва 90×30 см схемада 15,9% га юқори бўлди. Geant F₁ дурагайида ушбу кўрсаткичлар 7,7 ва 19,5% оғир бўлди. Шарқия-2 навида барглар сатҳи (30.VI) назорат вариантга нисбатан 70×50 см экиш схемасида 7,6% га ва 90×30 см схемада 9,7% га катта бўлди. Geant F₁ дурагайида назоратга нисбатан фақат 70×50 см экиш схемасида барг сатҳи 22,5% га ортганлиги қайд этилди.

Ўрганилган омиллар таъсирида шаклланган карамбош кўрсаткичларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, назорат (30/VI) вариантыга нисбатан карамбош баландлиги 15 июнда экилганда Шарқия-2 навида 16,3% га; Geant F₁ дурагайида 13,3% га ортиқ бўлди. Нав ва дурагай, экиш муддатлари ва экиш схемалари бўйича карамбош эни бўйича муҳим фарқ аниқланмади. Карамбош индекси фақат Шарқия-2 нави 90×30 см экиш схемасида юқори бўлди.

Оқбош карам кўчатлари июнда экилган вариантда иккала экиш схемалари бўйича назоратга нисбатан карамбошининг ички ўзак узунлиги Шарқия-2 навида 16,4% га; Geant F₁ дурагайида 9,1% га баланд бўлди. Ўзак узунлигига ўхшаш кўрсаткич ўзак индексида ҳам қайд этилди. Бинобарин, Шарқия-2 навида ушбу кўрсаткич 112,4 ва 122,7% ҳамда Geant F₁ дурагайида 120,9 ва 103,4% бўлди. Назорат вариантыдаги экиш схемаларига нисбатан кўчат 15 июнда экилганда карамбош вазни Шарқия-2 навида 113,7 ва 110,8% ҳамда Geant F₁ дурагайида 107,3 ва 109,4% ни ташкил қилган.

Шарқия-2 навида назорат – 30 июнда экилган вариантда 70×50 см экиш схемасида уч йиллик ўртача ҳосилдорлик 64,5 т/га ва 90×30 см схемада 68,7 т/га ни ташкил қилди. Ўсимликлар 15 июнда экилганда ҳосилдорлик 90×30 см схемада назорат – 30 июнда экилганга нисбатан мос ҳолда 13,5 ва 10,6% га юқори бўлди. Geant F₁ дурагайида кўчатлар 15 июнда экилганда назорат – 30 июнда экилганга нисбатан экиш схемалари бўйича ҳосилдорлик 7,4 ва 9,0% га ортди (3-жадвал).

Оқбош карамни такрорий экинда етиштиришда тавсия этилган нав, экиш схемаси ва муддатининг иқтисодий мақбуллигини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, Шарқия-2 навида 30/VI назорат вариантда 90×30 см схемада экилганда гектаридан 5021 минг сўм соф фойда олинган бўлса, нисбатан 15 кун эрта, яъни 15/VI да 70×50 см экиш схемада экилганда 6243 минг сўм (24,3%) кўп фойда олинди. Geant F₁ дурагайида ушбу кўрсаткич (7346 минг сўм) 11,2% га ортиқ бўлганлиги қайд этилди.

**Экиш муддати ва экиш схемаларининг оқбош карам навлари
ҳосилдорлигига таъсири (2011-2013 йиллар)**

Нав	Экиш муддати	Экиш схемаси, см	Ҳосилдорлик, т/га			Ўртача	Назоратга нисбатан, %
			2011	2012	2013		
Шарқия-2	15/VI	70×50	77,5	75,3	66,7	73,2	113,5
		90×30	79,4	77,6	71,0	76,0	110,6
	30/VI назорат	70×50	68,3	66,4	58,8	64,5	100,0
		90×30	74,6	70,1	61,4	68,7	100,0
Geant F ₁	15/VI	70×50	84,6	81,2	74,5	80,1	107,4
		90×30	77,8	78,8	71,3	76,0	109,0
	30/VI назорат	70×50	75,4	77,9	70,6	74,6	100,0
		90×30	71,3	73,4	64,4	69,7	100,0
ЭКМТ ₀₅	А ва В омиллар		4,4	3,7	3,0		
ЭКМТ ₀₅	С ва АС, ВС ва АВС		4,4	3,7	3,0		
Тажриба вариантлари ўртасидаги ўзгарувчанлик $S_{\bar{x}}$ %			4,0	3,4	3,1		

